

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017 Fil.19.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Нарходжаева Хуршида Шариповна

Ўзбек тилида жараён англатувчи терминларнинг лингвистик хусусияти

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philology

Нарходжаева Хуршида Шариповна

Ўзбек тилида жараён англатувчи терминларнинг лингвистик хусусиятлари 5

Нарходжаева Хуршида Шариповна

Лингвистические особенности терминов, обозначающих процессы в узбекском языке 21

Norkhodjayeva Khurshida Sharipovna

Linguistic aspects of process defining terms in uzbek language 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
ДSc.27.06.2017 Fil.19.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

НАРХОДЖАЕВА ХУРШИДА ШАРИПОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ЖАРАЁН АНГЛАТУВЧИ ТЕРМИНЛАРНИНГ
ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация
комиссиясида № B2017.1.PhD/Fil18 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Юлдашев Иброҳим Жўраевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Лутфуллаева Дурдана Эсоновна
филология фанлари доктори, профессор

Кўчимов Шухрат Норқизилович
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.19.01 рақами Илмий кенгашнинг 2017 йил «_____» «_____» соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4. Тел.: (99871) 246-63-58).

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4. Тел.: (99871) 246-63-58.

Диссертация автореферати 2017 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «_____» _____ даги ____ рақами реестр баённомаси).

Ш.С.Сирожиддинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Ё.Р.Одилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

Н.М.Махмудов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослигига терминларнинг лисоний табиати тарихий-анъанавий ва систем-структур ёндашувлар билан бирга антропоцентрик жиҳатдан ҳам очиб берилмоқда. Бунга эришида терминларнинг матн таркибида тутган ўрни, термин ўзлаштириш ва уларни меъёрлаштириш, тилнинг ички қонуниятларига қай даражада мослиги, тил эгалари томонидан идрок этилиши, коммуникатив жараёндаги иштироки, деривацион хусусиятлари, термин ўзлаштиришда субъективлик ва индивидуаллик каби қатор масалаларни илмий очиб бериш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб олиб борилган изчил ислоҳот ва дастурий тадбирлар натижасида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётнинг сифати тубдан ўзгарди, илм-фаннынг барча соҳалари жадаллик билан ривожлана бошлади. Айниқса, фундаментал фанлар, хусусан, ўзбек тилшунослигига ҳам дунё тилшунослигидаги илғор қарашлардан фойдаланган ҳолда тилимизнинг ўзига хос табиатини тадқиқ қилишга киришилди. Бу ҳолатни кейинги йилларда турли соҳаларга оид терминларни ясаш, қабул қилиш ва қўллаш, терминологик лугатлар, маълумотномаларни чоп этиш ҳамда кўплаб монографик тадқиқотларни яратиш борасида қўлга киритилаётган ютуқларда ҳам кузатиш мумкин. Шу билан бир қаторда, терминологик тизимлардаги ўзига хосликларни аниқлашда анъанавий тадқиқ андозаларидан чиқиб кетилмаётганлиги, ўзлашма терминларда ноаниқликларнинг мавжудлиги ҳам кузатилмоқдаки, уларни бартараф этмай туриб, терминологик тадқиқотларнинг самарадорлигини янада ошириб бўлмайди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш»¹га алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада жараён англатувчи терминларнинг шаклий-маъновий тузилиши, юзага келиши ва унга таъсир этувчи омиллар, ўзлаштириш ва қўлланиш даражаси, умумистеъмол сўзларидан фарқини очиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон тилшунослигидан маълумки, терминлар илмий услубнинг таянч бирлиги сифатида фанга оид билимларни акс эттириш жараённида унинг қай даражада ривожланганлиги, тил соҳибларининг илмий тафаккури, билим даражаси ҳақида ҳам кенг маълумот беради. Терминга хос бундай лисоний-нолисоний хусусиятлар барча фан соҳаларини, пировардида эса ўзбек тили илмий услубнинг ривожланишини таъминлайди. Шу маънода миллий тилдаги жараён англатувчи терминларнинг лексикадаги қимматини очиб бериш, уларнинг замонавий ахборот технологиялари, банк иши сингари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

соҳаларда қўлланишини кенгайтиришга, терминологияда юз берган ўзгаришларни аниқлашга, терминлардаги дублетлик, тавтология ва вариантилилк муаммоларини бартараф этишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Конуни, мазкур ҳужжатдаги вазифаларни амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сон қарори талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигига терминларнинг семантик-структур, деривацион-морфологик, вариативлик-полифункционаллик хусусиятларига қўра ўзига хослиги, жараён англатувчи терминларнинг лингвистик табиати юзасидан қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, рус тилида техник жараёнларни англатувчи терминлар илк бор Г.О.Винокур томонидан ўрганилган бўлиб, унда жараён англатувчи техник терминларнинг моҳияти очиб берилгани, улар англатган тушунчалар таҳлил қилингани ҳолда айни тур терминларнинг маъно типлари илмий асосланмаган¹. Т.Л.Канделаки эса жараён англатувчи терминлар семантикаси ва мотивлашувини очиб берди, илк бор маъно таркиблари асосидаги типик моделларини ишлаб чиқиб, умумий таснифини берган².

Ўзбек тилшунослигига ҳам С.Иброҳимов, О.Усмонов, С.Акобиров, Р.Дониёров, Н.Қосимов, А.Хожиев, Н.Маҳмудов, Ш.Кўчимов, Ҳ.Дадабоев, И. Юлдашев, Ҳ.Жамолхонов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамовлар томонидан ўзбек терминологиясининг умумий ва хусусий масалаларига доир қатор ишлар амалга оширилган³. Айни пайтда давр талаби ва ижтимоий эҳтиёж бу

¹ Подико В.М. Словопроизводство в технической терминологии в современном молдавском языке: Автореф. дис. ...канд.филол. наук. – Кишинев, 1965.

² Канделаки Т.Л. Семантика и мотивированность терминов. – М.: Наука, 1977. – С.14-15.

³ Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. – Тошкент: ЎзФА, 1959; Усмонов О. Ўзбек тили терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент: Фан, 1986; Акобиров С. Лексикографическая разработка терминологии в руссконациональных словарях. – Ташкент, 1969; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент: Фан, 1977; Хожиев А. Тилшунослик терминларининг изохли лугати. – Т.: «Ўзбекистон миллый энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002;

борадаги тадқиқотлар кўламини янада кенгайтиришни тақозо қилмоқда. Ўзбек терминлар системасида, кенг истеъмолда бўлган жараён англатувчи терминлар, уларнинг семантик-структур, генетик хусусиятлари, лексик бирликнинг жараён англатувчи терминга айланиш ҳолати, янги мавзуй гурухларда тутган ўрни, жараён англатувчи терминларнинг деривацион қолипларга муносабати маҳсус ўрганилмаганлиги айни мавзуни монографик планда ўрганишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университетининг ОТ-Ф8-022 рақамли «Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» (2007-2011 йй.) ҳамда Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг ФА-Ф1-ГО41- «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидаги жараён англатувчи терминларнинг семантик-структур, деривацион хусусиятларини аниқлаш, мавзуй гурухларини ишлаб чиқиш, уларни меъёрлаштириш ва лексикографик изоҳлар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек тили терминологияси муаммоларини шарҳлаш;

жараён англатувчи терминларнинг турли аспектлардаги таснифини ишлаб чиқиш;

жараён англатувчи терминларнинг шаклланишидаги асосий манба ва омилларни, ўз ва ўзлашган қатламини аниқлаш;

жараён англатувчи терминларнинг мавзуй гурухлари ва структур хусусиятларини белгилаш;

жараён англатувчи терминларнинг деривацион таҳлили, синонимияси ҳамда вариандошлиқ масалаларини очиб бериш;

терминларни тартибга солиш муаммоларининг ўзига хос хусусиятларини ишлаб чиқиш;

ахборот-коммуникация терминлари тизимининг шаклланишида жараён англатувчи терминларнинг ўрнини белгилаш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида ўзбек тилининг жараён англатувчи терминлари (табиий-техник, ижтимоий-гуманитар) танланган.

Тадқиқотнинг предметини жараён англатувчи терминларнинг мавзуй, структур, деривацион-морфологик, вариантлилиқ, маънодошлиқ ва омонимлик жиҳатлари ташкил этади.

Махмудов Н. Ўзбек тили лугат бойлиги ривожида фаоллашган жараёнлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – №-5. – Б. 9; Кўчимов Ш. Ҳукукий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари (лингво-юридик таҳлил): Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 2004; Юлдошев И. Ўзбек китобатчилик терминологияси: Филол. фан.д-ри ... дис. – Тошкент: Фан, 2004; Маҳкамов Н. Ўзбек тилида терминларни меъёрлаштириш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – №-6. – Б. 10-16.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, семантик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

ўзбек тилидаги мураккаб семантик таркибли жараён англатувчи лексема-терминлар – ҳамроҳ моҳиятли терминларнинг лисоний табиати очиб берилган;

жараён англатувчи терминларнинг ички мавзуй гурӯхлари белгиланган ҳамда структур тузилишига кўра типлари аниқланган;

жараён англатувчи терминларнинг ясалиш усуллари ишлаб чиқилган;

ахборот-коммуникация технологиялари тизимининг шаклланишида жараён англатувчи терминларнинг қўлланиши ва умумлисоний соҳавий хусусиятлари ўзбек тили материаллари асосида очиб берилган;

жараён англатувчи терминларнинг семантик қўлами, моносемик ва полисемантик белгиси, синонимик, омонимик ҳамда вариатив хусусиятларини таҳлил қилиш асосида терминлар семантикасига оид қарашлар такомиллаштирилган;

жараён англатувчи кўп компонентли терминларни тартибга солиш юзасидан янги тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

истиқлол даври ўзбек терминологиясида юзага келган ўзгаришлар, жараён англатувчи терминларнинг семантик-структур тузилиши, унинг ясалиши билан боғлиқ терминлашиш ҳодисасини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек тилшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, лексикология, соҳа терминологияси, матн тилшунослиги каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

ўзбек тилида жараён англатувчи терминлар илк бор мавзуй гурӯхларга ажратилган, уларнинг деривацион хусусиятлари, маъно қўлами, синонимик, омонимик қаторлари ва вариантлилик масаласи аниқланган;

жараён англатувчи ўзлашма терминларни ўзбек тили меъёрларига мослаштириш, тартибга солиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган, терминнинг ифода ва таъсир имкониятлари ортиши очиб берилган;

яратилган изоҳли лугатнинг ўқувчиларнинг термин танлашдаги ижодкорлигини ошириш ва ўзбек тилини ўқитиш жараёнидаги аҳамияти аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган ёндашув ва усулларнинг мавжуд лингвистик назарияларга мослиги, фойдаланилган мисолларнинг ишончли изоҳли лугатлардан олингани, терминологик муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги ва таҳлилларда ўзбек тили табиатидан келиб чиқилганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили терминлар тизимида хос турли соҳа терминларини семантик-структур, деривацион,

лексикографик аспектларда атрофлича тадқиқ қилишда назарий манба вазифасини бажариши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган назарий хулосалар ўзбек тилининг турли соҳалари бўйича терминлогик лугатларни тузиш ва такомиллаштириш, дарслик ва қўлланмалар яратиш, тавсиянома ва йўриқномалар тайёрлашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жараён англатувчи терминларнинг семантик-структур ва деривацион хусусиятларини, мавзуй гурухларини аниқлаш, уларга лексикографик изоҳлар бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

мартиблаш, айриши, қўшиш, бўлиш, қуриш, бошқарув, айрбошлиш каби терминларнинг изоҳларидан «Özbekçe-Türkçe Açıklamalı Sözlük» (EGE Universitesi, Туркия) лойиҳасида фойдаланилган (ЕГЕ университетининг №Е 4252-сон маълумотномаси). Натижада луғавий бирликларнинг лексикографик изоҳлари мукаммаллашган, маънолар миқдори ортган;

жараён англатувчи терминларнинг маъновий тузилиши юзасидан асосланган назарий хулосалар, ҳозирги ўзбек тилидаги 15 дан ортиқ термин (*оммалаштириш, низолашши, аҳдлашиш, барқарорлаштириш, легеллаштириш, баҳслашув* каби), 10 га яқин бирикма термин (*модернизация қилиш, эксплуатация қилиш, қонунчилликни такомиллаштириш, қишилов даврида сувсизланиш, бир томонлама воз кечиш* каби)нинг мавзуй тузилиши ва лексикографик изоҳларидан ОТ-Ф8-022 рақамли «Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ФТК-03-13/467-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши терминлардан ўринли фойдаланиш, уларни тартибга солиш имконини берган;

янги терминларни изоҳлашда, ўзбек тили терминологиясининг мустақиллик даври тараққиёти тенденцияларини белгилашда ФА-Ф1-ГО41 «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» фундаментал лойиҳасида назарий манба сифатида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ФТК-03-13/39-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши истиқлол даври лексикасидаги жараён англатувчи терминларнинг лингвистик хусусиятларини баҳолаш имконини берган;

тадқиқот натижаси сифатида олинган хулосалар «Жараён англатувчи терминларнинг қисқача изоҳли луғати»га жорий қилинган ва унда 400 яқин терминнинг умумистеъмол ва ҳамроҳ моҳиятли маънолари изоҳланган. Луғатдан фан ва таълимда терминнинг маъновий тузилиши, умумистеъмол маънолари, омонимик хусусиятларини ўрганишда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 14 та мақола, улардан 6 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 160 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбек тили терминосистемасида жараён англатувчи терминлар микросистемаси» деб номланган биринчи бобида ўзбек тилидаги жараён англатувчи терминлар (ЖАТ)нинг умумлисоний хусусиятлари, соҳа терминлари тизимида ЖАТ қатлами, унинг мавзувий гурухлари таҳлилига бағищланган.

Ўзбек тилида ўз қатламга оид ЖАТ ҳам, асоси ўзлашма қатламга оид ЖАТ ҳам, форс-тожик, араб тиллари ҳамда байналмилал асослардан ясалганлари ҳам фаол қўлланади. ЖАТ ҳаракат-ҳолат маъносини англатиш ва уни статиклаштирган ҳолда аташ вазифасини бажарганлиги учун ҳам феъллик, ҳам исмлик хусусиятига эга.

Ўзбек тилида ЖАТ маъносига кўра 2 гурухга ажратилади: 1. Бевосита иш-ҳаракат маъносини англатувчи жараён терминлари: *сакраш*, *югурши*, *курашиш* каби. 2. Жараён англатувчи соҳа терминлари: *гипосенсибилаш*, *дудукланиш*, *депарафинлаш* (ТТИЛ); *боғланиш*, *чақирув*, *туташув* (мобил алоқа терминлари) кабилар.

Жараён англатувчи соҳа терминлари муайян соҳада қўлланишга маҳсуслаштирилган, ихтисослашган бўлса, бевосита иш-ҳаракат маъносини англатувчи жараён терминлари ҳамроҳ моҳиятли терминлардир. Маҳсус тушунчаларни англатувчи терминлар иш-ҳаракатни билдирувчи оддий сўзлардан фарқланиб туради. Уларнинг юзага келишида икки ҳолат бор:

1. Аффикслар иштирокида ўзбекча ёки ўзлашма сўзлардан термин ясаш.
2. Тилда қадимдан мавжуд бўлган сўзларга терминологик маъно юклаш.

Ўзбек тилида ЖАТни ўзи англатадиган умумий маъносига кўра: 1) табиий фанларга оид ЖАТ: *биологик оксидаланиш, қўзғалиш, эмлаш, ҳаракатлантирувчи танланиши* кабилар; 2) ижтимоий фанларга доир ЖАТ: *галаён қилиш, модернизациялаш, глобаллашув, ратификациялаш* кабилар; 3) аниқ фанларга оид ЖАТ: *айрув, бўлув, қўшув, даражасалаш* кабилар.

ЖАТни бу каби мавзуйи гурӯҳларга ажратиш аниқ соҳага оид терминларнинг кўламини аниқ белгилаб олишга имкон беради. Мавжуд соҳа терминлари тизимида қўлланаётган барча терминларни бир тадқиқот доирасида ўрганиб чиқиши осон эмаслиги боис ишда фақат ижтимоий-сиёсий, хуқуқшунослик, тилшунослик каби ижтимоий-гуманитар, техника, математика каби аниқ; биология, тиббиёт каби табиий; ҳарбий, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида қўлланаётган терминларнинг умумлисоний хусусиятлари таҳлил қилинди.

Ижтимоий-сиёсий терминлар ўз семантик структурасида «ижтимоий» ёки унинг хусусий кўринишларидан бирини ифодаловчи семасининг устуворлиги билан умумистеъмол лексемаларидан фарқланади. Бу турга мансуб терминларнинг аксарияти умумистеъмол лексика асосида юзага келганлиги туфайли уларда кўпинча полисемия қузатилади ҳамда ўз қатлам асосида ясалганлари кўпроқ феълнинг ҳаракат номи шаклида бўлади. Масалан: *айирбошлиш, аҳдлашиш, биродарлашиш, бостириш, бурилиш, келишув, келиштириш, низолашиш* кабиларда шуни кўриш мумкин.

Турли касб-хунар доирасида қўлланиладиган маҳсус терминлар бўлиб, С.Иброҳимов касб-хунар лексикаси таҳлилига оид монографиясида меҳнат жараёнини англатувчи қўйидаги терминларни қайд этган: бичиш, босиш, ботиш, доғлаш, андазалаш, *бозғонлаш, болғалаш, бурдаланиш, болғаланиш, жиловланиш, етилиш, мўртлашиш, очилиш, жисплацитириш, оқартириш, югуртириш* каби¹. Албатта, бундай терминлар инсон онгидаги касбкорнинг турли кўринишларини гавдалантиради.

Ўзбек тилига айнан қабул қилинган ва асосига ўзбекча ясовчи қўшимчалар қўшилган *бухтовка, фальцовка, локлаш, сваркалаш* каби терминлар умумистеъмол лексика ва терминологик тизим орасидаги оралиқ бўғинни ҳосил қиласди. Улар халқ турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг семантикаси умумистеъмол маъносидан кескин фарқланмайди, балки уларнинг ўртасида фарқланишдан кўра мослашув кўпроқ. Шу боис уларни ҳамроҳ моҳиятли терминлар ҳисоблаш мумкин.

Тилда техник ЖАТнинг қўлами ҳам анча кенг. Т.Л.Канделаки рус тилидаги техник ЖАТни қўйидаги семантик майдонларини кўрсатади: 1) ҳаракат тушунчаси билан боғлиқ умумистеъмол сўzlари; 2) табиий фанлар ва математикага хос ЖАТ, учинчи қисмни эса техник жараёнларни англатувчи терминлар.² Албатта, ЖАТни соҳалараро қўлланилиш даражасини семантик майдонларга бирлаштирган ҳолда тадқиқ этиш терминларнинг умумий ва маъно қирраларини фарқлаш имконини берган.

¹ Иброҳимов С.Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. – Тошкент: ЎзФА, 1959.

² Канделаки Т.Л. Семантика и мотивированность терминов. – М.: Наука, 1977. – С.30.

Текширишларимиз ўзбек тилида техник ЖАТ ўз қатlam лексемаларининг терминлашиши (*бурилии, совии*), ўзлашма асосга ясовчи аффикларни қўшиш (*фрезалаши, механиклаштириши*) ва сўз ўзлаштириш (*трансформация, модернизация*) орқали ҳосил бўлишини кўрсатди. Аёнки, айни терминларнинг асосий қисми бошқа соҳа бирликлари каби ҳаракат номи шаклидаги феъллар бўлиб, жараён англатувчи отларга хос маъновий белгиларга эга. Уларнинг вужудга келишида ўзбек тили ички имкониятларидан тўлиқ ёки қисман фойдаланилади.

Тиббий ЖАТ акс этган манбалардан бири А.Қосимовнинг «Тиббий терминлар изоҳли лугати» бўлиб, унда кўплаб терминлар изоҳланган: *даволаши* – бемор соғлигини тиклаш йўлида қўриладиган турли хил чора-тадбирлар, хатти-харакат ва муолажалар мажмуи; *дудукланиши* – айрим товуш ва бўғинларни беихтиёр тутилиб, тўхтаб-тўхтаб, қийналиб талаффуз этиш¹. Бундай терминлар сирасида ўз қатlamга мансуб кўплаб терминлар мавжудки, уларнинг аксариятини умумистеъмолдаги сўзлардан фарқлаш мушкул. Умуман, ўз қатlam терминлари тиббий терминлар тизимини умумистеъмол лексикаси билан боғлаб турувчи, ўзида икки микросистеманинг хусусиятларини акс эттирувчи бирликлардир. Шу боис умумистеъмол лексика изоҳланадиган умумфилологик луғатларда тиббий ЖАТ ҳам берилади, бундай терминларга тиббиётга хосликни билдирувчи маҳсус белги қўйилмаслиги ҳам мумкин. Масалан, ЎТИЛда *яллиғланиши, йўталиши, шамоллаш, эмлашишиши* каби терминлар қайд этилган.

Кейинги йилларда ахборот-технологияларининг тез ривожланиши, янги техник воситалар, дастурий маҳсулотларнинг яратилиши бу соҳага оид кўплаб терминларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Бу йўналишдаги «Ахборот технологияси операцион тизимлари терминларининг инглизча-русча-ўзбекча изоҳли лугати»да 2000 га яқин ахборот-коммуникация технологияларининг турли соҳаларида терминлари изоҳланган². Ўзбек тилида ахборот-коммуникация технологиялари терминларининг шаклланишида -(и)иши, -(у)ви, -лаши, -лаштириши аффиксларининг алоҳида ўрни бор. Масалан, *маълумотлар* ёки *бошлангич ахборотни йигини, маълумотларни қайта ишилаш ва якуний ахборотга эга бўлиши*, якуний ахборотларни *узатиш* терминлари калькалаш асосида ҳосил қилинган бўлсада, бу каби БТнинг структур тузилишида -(и)иши ҳаракат номи шакли муҳим ўрин тутади. Ахборот технологиялари терминларининг таҳлили шуни кўрсатадики, -(и)иши, -(у)ви аффиксли терминларнинг ҳосил қилинишида калькалаш усули устувор бўлиб, бунда содда ва БТ шакллантирилади. Масалан: *боғланиши, товушни бошқариши, такрорий сўров* кабилар.

Ўзбек тилида ЖАТ куйидаги ўзлашма асослардан ясалади: 1) форс-тожикча асослардан: *пайвандлаши, яганалаши, пармалаши, дасталаши, ковиялаши, дамлаши*; 2) арабча асослардан: *муаллифлаштириши, ахборотлаштириши*; 3)

¹ Қосимов А. Кўрсатилган луғат. – Б.156.

² Қаранг: Ахборот технологияси операцион тизимлари терминларининг инглизча-русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 4.

Европа тилларидан кириб келган асослардан: *интеграллаш*, *компьютерлаштириши* каби. Баъзан русча аффикс сақлангани ҳолда -лаш аффикси билан термин ҳосил қилиш кузатилади. Масалан: *дезинфекция – дезинфекциялаш, классификация – классификациялаш*.

Хуллас, ўзбек тилининг жараён англатувчи терминологик тизимида генетик нуқтаи назардан ўз қатламга оид асослардан ва асоси ўзлашма қатламга оид лексемалардан ясалган терминлардан фаол қўлланмоқда.

Диссертациянинг «Ўзбек тилидаги жараён англатувчи терминларнинг структур, деривацион ва грамматик хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобида ЖАТнинг тузилиши, ясалиши ва грамматик жиҳатлари таҳлил қилинган.

ЖАТ ҳам тузилишига кўра содда ва мураккаб бўлади. Содда терминлар, ўз навбатида, содда туб ва содда ясама терминларга ажралади: *механизация, модернизация; бальзамлаш, брикетлаш*. Таъкидлаш лозимки, биринчи тур терминлар рус тили нуқтаи назаридан ясама бўлса ҳам, ўзбек тилида айни тип сўз ясалиши амал қилмагани боис туб термин саналади. Мураккаб терминларда эса камида икки асос бўлади. Шу боис уларни икки ва кўп аъзоли терминлар сифатида гурухлаш зарур. Кўп аъзоли мураккаб терминлар уч, тўрт, беш компонентли каби бўлиши мумкин. Айрим терминологик тизимларда ҳатто олтигадан ўн биттагача компонентли терминлар қўлланмоқда. Биз уларни куйидагича гурухладик: 1) икки компонентли: *валюта айрбошлиш, қонунчиликни такомиллаштириш*; 2) уч компонентли: *чатиштириши натижаларининг турличалиги, қишлоғ даврида сувсизланиш*; 3) тўрт компонентли: *санкция объектини ташқаридан бажарши, селекция ютуғининг давлат синови*; 4) беш компонентли: *паст тезликли қўшима бошқарув канали кабилар*.

ЖАТнинг ясалиши ҳам ўзига хос бўлиб, улар аффиксация ва композиция усуллари билан ҳосил қилинади. Мустақиллик даври лексикасида -лан, -лаш, -лаштириш аффикслари билан ЖАТни ясаш анча фаоллашган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида -лан аффикси орқали феъл туркумига мансуб жараён терминлари ясалади. Жумладан, *яллигланиш, уруғланиш, чангланиш* каби терминларда ушбу ясовчи мавжуд. Албатта, бу типдаги ясалмалар ҳаракат номининг -(и)иши аффиксли шаклида берилиши жараён семасини янада аниқлаштиришга хизмат қиласи. -(и)иши аффиксли *кўпайиш, урчиши, емирилиши, кўчии* каби ЖАТни ясалганлик/ясалмаганлик нуқтаи назаридан таҳлил қилганда уларнинг ясалмаганлиги, балки айни сўзшаклларнинг терминлашуви ҳақида гапириш ўринли. Терминларнинг бу тарзда юзага келиши ўзбек тили терминосистемасини янги ифодалар билан бойитади.

Манбаларда ўзбек тилида отлардан феъл ясовчи -лаш аффиксининг жараён англатувчи сўз ва терминлар ясами қайд этилган. Хусусан, Э.В.Севортян бу аффикс «биргаллашиб ҳаракат қилиш маъноларини ифодалайдиган феъл» ясашини ҳам таъкидлаган¹. Ҳозирги ўзбек тилига келиб, -лаш аффиксининг сўз ясаш вазифаси янада кенгайган. «Ҳозирги

¹ Севортян Э.В. О некоторых вопросах глагольного словообразования в тюркских языках. Вестник МГУ. Историко-филологическая серия. – М., 1957. – С.167-170.

ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари» китобида *-лаш* аффикси ёрдамида от ва сифатлардан ясалган қуидаги сўзлар келтирилган: эмлаш, куртаклаш, тайёрлаш, буглаш¹. Аммо *-лаш* аффиксининг «янги сўзлар ҳосил қилиши»ни тасдиқлаш учун келтирилган бу мисолларда *-ла* ва *-(и)ш* фарқланмаган.

Ўзбек тилида *-лаш* аффикси билан ясалган ясалмага, яъни ЖАТга от ва сифат туркумига мансуб сўзлар асос вазифасини бажариб келади. Бунда, айниқса, от туркумидаги сўзга *-лаш* аффиксини қўшиш орқали ясалган ЖАТ учрайди. Айтишимиз мумкинки, от туркумидаги сўз ва *-лаш* сўз ясаш қолипи унумдор ҳисобланади. Масалан: *лойлаш*, *молалаш*^{*}, *буглаш*^{*}, *шоналаш*^{*}, *ғўралаш*^{*}, *бургилаш*^{*2}. Шунингдек, сифат сўз ва *-лаш* сўз ясаш қолипи орқали *бурмалаш*, *таранглаш*, *ялпоқлаш* каби терминлар ясалган.

«*-лаштириш* (*ла+-ш+тир+иш*) тўрут морфеманинг бирикишидан ҳосил бўлган қўшма аффикс бўлиб, у *-изация*, *-ификация* каби аффиксларни калькалаш натижасида ҳосил бўлган: *автоматлаштириш*, *газлаштириш*, *электрлаштириш* каби»³. Мазкур аффикс, асосан, от (*ахборотлаштириш*) ва сифат (*миллилаштириш*) сўзлардан ЖАТни ясади. *-лаштириш* аффиксига хос хусусиятлардан бирি аниқ нарса-предметни ифодаловчи асосларга қўшилганда кенг миқёсда амалга оширилувчи ЖАТни ҳосил қилишидир. Масалан, *ахборотлаштириш* терминини замонавий ахборот-технологик воситалар ёрдамида илмий ва ижтимоий тузилмаларни ривожлантириш, такомиллаштириш ва кескин кучайтириш жараёнидир⁴.

Бошқа терминологик тизимларда бўлганидек, ЖАТ терминологик тизимида ҳам муайян лексема ёхуд терминларнинг ўзаро бирикуви натижасида бир қатор икки компонетли терминлар ҳосил бўлган: *муҳитнинг ифлосланиши*, *тупроқнинг шўрланиши*, от бошқаруви, *фаолият юритиши* каби терминлар [от+от] қолипида; *тескари йўналиши*, аниқ кодлаш, *нојинсий ургуланиши*, *сезиларли зўриқиши* кабилар [сифат+от] қолипида ҳосил бўлган. Бошқа туркум бирикувидаги терминлар деярли учрамади.

Шуниси характерлики, қайд этилган БТда кенгайтирувчи сўз кенгаювчи сўз билан биргаликда мураккаб терминни ҳосил қиласар экан, бунда кенгаювчи сўз жараённи ифодалаш, кенгайтирувчи сўз эса унга терминологик аниқлик, соҳавий ихтисослашиш юклайди.

ЖАТнинг морфологик хусусиятлари ва синтактик вазифалари асосларининг қайси сўз туркumlарига мансублиги билан ҳам белгиланади. Лексик-семантик хусусиятлари ҳам, кўпинча, асосининг морфологик жиҳати билан белгиланиб, бу терминнинг бирикувчанлик ва бириктирувчанлик хоссаларининг ўзига хослигини кўрсатиб туради.

¹ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.152.

² * белгиси қўйилган терминлар ЎТИЛда қайд этилмаган.

³Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдзи. 5-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 583.

⁴ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли лугати. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2013. – Б. 26.

ЖАТнинг от асоси муайян предмет, кўпинча асбоб-ускуна, қурол-яроқ номидан иборат бўлганда, улар ёрдамида иш-харакатни бажариш, жараённи давом эттириш, шу нарса билан шуғулланиш каби маъноларни ифодалайдиган терминлар ҳосил қилинади. Масалан: *босқон* – темирчиларнинг катта оғир болтаси, *босқон/ла/ши* – жараён англатувчи термин. Ёки *парма* – айланма ҳаракат қилиб, тифи билан нарсаларни тешадиган асбоб, *парма/ла/ши* – жараён англатувчи термин.

Ўзбек тилига рус тили орқали ўзлашган от асосли ЖАТнинг бир қисми айнан ўзластирилган бўлса (*конверция, номинация*), қолган қисми аффиксация усулида (*моделластириши, пломбалаши, бальзамлаши ясалган*). ЖАТ сифат асосдан ясалганда ясалма асос билдирган белги ҳолатига ўтиш, мазкур ҳолатга эга қилиш маъноларини ифодалайди: *кучсиз* – таъсир қилиш даражаси жуда паст, *кучсизлантириши* – жараён англатувчи термин.

Жараён терминларининг соҳавий лексикада кўплаб қўлланиши уларнинг тизимдаги ўрнини белгиловчи муҳим жиҳатдир. Диссертацияда барча соҳа терминларини қайд этиш имконияти мавжуд эмаслиги боис баъзи соҳаларда қўлланаётган терминлардан намуналар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жараён англатувчи терминларнинг семантик тавсифи: синонимик, омонимик қаторлари ва вариантилик масаласи**» деб номланган учинчи бобида ЖАТнинг семантик кўлами, синонимик ва омонимик қаторлари, улардаги вариантилик ҳодисаси таҳлил этилган.

Терминологик тизимда лексемаларнинг семантик кўлами, уларнинг моносемантиклик-полисемантиклик хусусияти ўзига хос тарзда намоён бўлади. Терминларнинг маъновий кўлами умумистеъмолдаги лексемалардан фарқли терминга хос аниқлик, ихтисосланиш талаби билан маълум даражада тораяди. Шу сабабли турли терминологик тизимларда ишлатиб келинаётган терминларнинг маъно кўлами (моносемантиклиги ёки полисемантиклиги)ни илмий асослаш, очиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Тўпланган материаллардан маълум бўлдики, ҳозирги ўзбек тилининг терминологик тизимида, аввало, ўз қатламга оид ЖАТдан фойдаланиб келинмоқда. Мазкур терминлар (*оғриқсизлантириши, сирачлаши, соқовланиши, портлаши, туркаши*) мавжуд изоҳли луғатларда моносемантик терминлар сифатида қайд қилинган ва уларнинг умумистеъмол лексик бирликлар билан омонимик муносабатда эканлиги эътироф этилган. Кузатишлардан маълум бўлдики, моносемантик терминларнинг аксариятини байналмилал асосли терминлар ташкил қиласи. Масалан: *наркозлаши* – оғриқсизлантириш; *судлашиши* – суд орқали даъволашиб, даъволашиб, бир-бирини судга бериш.

Ўзбек тилида муайян бир терминологик соҳада қўлланилаётган жараён англатувчи полисемантик терминлар ҳам кузатилади. «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати»дан олинган қуйидаги мисоллар бунинг далилидир: «Акцентуация – 1. Сўз ёки гапдаги маълум қисмларни урғу ёрдамида ажратиш. 2. Тилнинг урғу системаси. 3. Матнда урғуни белгилаш»¹. Шуниси

¹ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 24.

характерлики, жараён англатувчи айрим полисемантик терминлар ҳар хил терминологик тизимларга оид бўлади. Масалан, *кўрсатув* термины икки соҳада ишлатилади: 1) телевидение, кинофильм кабилар орқали намойиш қилиш, бериш ; 2) тергов-суд жараёнларида бирор аҳамиятли ҳолат ҳақида шахс (гувоҳ ва бошқ.)нинг берган маълумоти, *кўрсатма*.

Жараён англатувчи шундай терминлар ҳам мавжудки, улар уч ва ундан ортиқ соҳа терминлари ҳисобланади. Масалан, *оқлаш* бинокорлик термини бўлиб, «оҳақ, бўр каби оқ тусга киритувчи нарсалар билан бўяш»ни англатади. Шу билан бирга, ошпазлик соҳасида (овқатга қатиқ қўшиш, қатиқлаш; чойга сут аралаштириш: *маставани оқлаш*); касб-хунар соҳасида (металл буюмларнинг сиртига қалай юргутириш: *мис қозонни оқлаш*); ғаллакорлик соҳаси (дон, ғаллани туйиб, пўстини ажратиш, тозалаш: *шолини оқлаш*)да ҳам қўлланади.

Маълумки, терминологияда синонимия ҳодисасига бағишлиланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилаётган бўлса-да, терминлар синонимияси масаласида аниқ тўхтамга келинмаган. Баъзи тилшунослар терминларда полисемия ва синонимиянинг мавжудлигини салбий ҳолат деб биладилар. Масалан, Д.С.Лотте терминлардаги кўпмаънолилик, синонимликни зарарли деб ҳисоблайди¹.

Ўзбек тили терминологиясида синонимия ҳодисасига бағишлиланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилаётган бўлса-да, терминлар синонимияси масаласида аниқ тўхтамга келинмаган. Баъзи ўзбек тилшунослари ҳам терминлардаги полисемия ва синонимияни шу соҳа терминологиясининг нодуруст жиҳати деб биладилар. Шундай бўлса ҳам айрим, ишларда, хусусан, Р.Шукров терминлар синонимиясида алоҳида эътибор қаратиб, ўзбек тили терминларида кўпмаънолилик ҳам, маънодошлиқ ҳам учраб туришини таъкидлайди.² Қ.Сапаев эса синоним терминларнинг, биринчидан, тилнинг ўзига хос ички имкониятлари, иккинчидан, бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш ёки диалектал сўзларнинг терминлашуви натижасида содир бўлишини қайд этади³.

-лаш аффикси асосида ясалган ЖАТ ўртасида ҳам синонимлик кузатилади. Бундай терминлар маълум бир терминологик тушунчани кенг ёки тор маънода ифодалashi, муайян нутқий услугга хослиги сингари белгилари билан фарқланади. Албатта, терминларнинг маънодошлиги умумистеъмол сўzlари маънодошлигидан фарқланади, яъни умумистеъмол лексикасида грамматик шакллар сўзларнинг синонимияни юзага келтирмайди, лекин терминлар синонимиясида ўзгача ҳолат кузатилади. Буни грамматик шаклланган терминларнинг луғатларда берилиши ҳам тасдиқлайди: *агитация – ташвиқот, таъсирлаш – таъсир этиши, таъсир қилиши; ташкиллаштириши – ташкил қилиши, ташкил этиши* каби.

¹ Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – М., 1961. – С. 21-22.

² Шукров Р. Терминлар синонимияси хусусида // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараккиёт перспективалари: 1 республика терминологияси материаллари. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 32-34.

³ Сапаев Қ. Ўша манба. – Б. 38.

Терминлар сўзлардан иборат бўлса ҳам уларда бош термин мавжуд бўлади ва у синонимлик қатордаги бош сўз ҳисобланади. Масалан: *айирбошламоқ*, *айирбош қилмоқ*, *алмашимоқ*, *алмаштиromoқ*, *алишимоқ* синонимик қаторида *айирбошламоқ* доминант терминдир.

Рус тилидан ўзлашган бир қатор терминлардаги -*ция* аффиксини унинг ўзбекча муқобили билан алмаштириш орқали ҳам янги синонимик термин ясалади ва улар луғатларда ёнма-ён ҳам келтирилади: «*Аккредитация, аккредитлаш* [ишонмоқ, ишонч билдиримоқ] ҳуқ.¹ 1. Дипломатик ваколатхона бошлиғи ёки давлатнинг бирон-бир халқаро ташкилотидаги доимий вакилини лавозимга тайинлаш ва шу лавозимни бажаришга киришиш тадбирлари. 2. Журналистга муайян ҳудудда бўлиш ва у ерда рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни ёритиш хуқуқини берувчи ҳужжат» (ЎТИЛ. Б. 62).

ЖАТ синонимик қаторидаги терминларнинг микдори турлича. Айрим синонимик қатор икки-уч бирлиқдан иборат бўлса, бошқалари беш ёки ундан ортиқ сўз ва бирикмадан иборат: *гармонизация, уйгунлаштириши; цинквизиция, қийнаши, азоблаши, исканжсага олиши*¹.

Омонимия тилнинг яшаш қонуниятларидан бири сифатида ЖАТ ўртасида мавжуд. Луғавий омонимия умумистеъмолга хос лексик бирлик ва термин ўртасида, шунингдек, терминлараро бўлиши мумкинки, бу турли соҳаларга оид терминларда кузатилади. Масалан: *Тараши I – тарамоқ* иш оти. *Тараши II – Кесиш, йўниш, тараашлаш. Гипслаши I – мед.* Шикастланган аъзони гипслаш, тахтакачлаш. *Гипслаши II – бинокорлик.* Қурилиш материали сифатида ишлатиш. *Силжииши I – силжимоқ. феъл. Силжииши II – яхши томонга ўзгариш. Силжииши III – маҳс.* Модда ёки жисм қатламларининг сурилиши, кўчиши (ЎТИЛ. Б. 501, 505).

Терминлар омонимиясини вужудга келтирувчи асосий омиллардан яна бири термин ясовчи аффикслардан фойдаланишда терминология талабларига риоя этмаслиkdir. Бу ҳолатга етарли эътибор берилмагани боис ўзбек тили терминологиясида аффикслар омонимияси кўплаб учрайди: *бензин ташувчи, сут ташувчи, одам ташувчи* каби бирликларда шахс ёки техникавий восита маъноси ифодаланганини изоҳсиз тушуниш қийин.

Вариантлилик ЖАТда ҳам бор ва уни -(и)и, -(у)в аффикслари юзага чиқаради. Масалан: *бошқарши – бошқарув; йигиши – йигув; кўпайтиши – кўпайтирув; йигириши – йигирув; сиқиши – сиқув* ва бошқалар. Шу билан бирга, -(и)и ҳамда -(а)r грамматик шаклли терминлар ҳам вариантлилик юзага келади: *кунчикиши – кунчиқар, кунботиши – кунботар* (геогр.) ва ҳ.к.

Диссертациянинг «**Жараён англатувчи терминларни тартибга солиши**» деб номланган тўртинчи бобида ЖАТни тартибга солиш муаммоларига бағищланган. Сир эмаски, ўзбек тилшунослигида ЖАТ энди ўрганилаётганлиги боис мазкур терминлар тартибга солинмаган эди.

Ўзбек тили терминологиясида ўзлашма терминларни қабул қилиш ёки уларга тақлидан термин ясаш ҳамда тилнинг ички имкониятлари асосида термин ясашда ҳар хилликлар мавжуд. Токи термин аниқ ва равshan бўлмас

¹ Русча-ўзбекча юридик тезаурус луғати. –Тошкент, 2011.–Б. 278.

экан, чалкашлик, ноаниқлик каби салбий ҳолатлар сақланиб қолаверади. Масалан, *электрификация, кальцинация, газификация, механизация, электризация, газирование* сингари иш-харакат ва жараён номларини билдирувчи терминларни ўзбек тилига қабул қилиш ёки калькалашда хатоликларга йўл қўйилган. *ИндустрIALIZАЦИЯ* термини *индустрлаши, индустриялаши, индустриялаштириши, индустрлаштириши* шаклларида, механизация термини *механизациялаши, механизациялаштириши* шаклларида қўлланилмоқда. *Механизациялаши, механизациялаштириши; электрлаши, электрлаштириши; газлаши, газлаштириши* типидаги терминлардан қайси бири мақбул эканлигини аниқлашда -лаши ва -лаштириши аффикслари вазифасининг бир хил эмаслигини ҳисобга олиш керак. Рус тилида -*ификация* ёки -*изация* билан тугалланган иш-харакат ва ЖАТга ўзбек тилида -*лаштириши* аффикси билан ясалган номлар тўғри келади. -лаши аффикси эса отлардан феъл ясади: *электрлаши, газлаши* каби. Шу боис, *электрификация, электрифицирование* терминини *электрлаштириши, газификация, газифицирование* терминини *газлаштириши* шаклида қўллаш маъқул. Шунингдек, термин таркибидаги ҳар бир аффикснинг вазифасини эътиборга олиш, муайян вазифа бажармаётган аффиксни термин таркибидан чиқариш зарур. Масалан, *автоматизациялаштириши, электрофикациялаштириши* терминларидаги -*ция* аффикси ўз вазифасини йўқотгани учун *автоматлаштириши, электрлаштириши* тарзида ясаш лозим.

Тадқиқотда аффиксация усулида ясалган ЖАТни қўллаш билан боғлиқ қуйидаги камчиликлар умумлаштирилди: 1. Кўп маънолилик. Бу ҳол терминдан фойдаланишда айрим ноқулайликларни келтириб чиқаради. Масалан, *меъёрловчи, пармаловчи, узатувчи, гипсловчи, тенглаштирувчи, канал тозаловчи, пайвандловчи* терминлари шахс маъносида ҳам, техникавий термин сифатида ҳам қўлланилади. 2. Вариантлилик. Бу аффиксация усули билан ясалган терминларда ҳам кузатилади. Хуллас, терминларни тартибга солишда такрорийликдан қочиш, тежаш қонуниятларига таяниш, замонавийлик ва қулайлик тамойилларига риоя қилиш мақсадга мувофик.

Жараён англатувчи БТ ҳам тартибга солиниши зарур. Композиция усулида ясалган турли терминологик тизимларда фаол қўлланган жараён англатувчи мураккаб терминларнинг катта қисми БТ бўлиб, уларнинг катта қисми илмий услубда қўлланади. Жараён англатувчи фаол БТни қуйидагича гурухлаштириш мумкин: 1) кимёга оид: *реакцияга кириши, кислота ҳосил қилиши;* 2) тиббиётга оид: *ташхис қўйши, боғлаб қўйши;* 3) ҳарбийга оид: *нишонга олиши, парашютда сакраши;* 4) металлшуносликка оид: *пўлат эритииш, темир эговлаши;* 5) техникага оид: *моторни қиздириши, ўт олдириши;* 6) космонавтикага оид: *алоқа боғлаш, ерни кузатиши, юмшоқ қўниши;* 7) қишлоқ хўжалигига оид: *дори пуркаши, чопиқ ўтказиши;* 8) геологияга оид: *намуна олиши, маркибга ажратиши;* 9) физикага оид: *электр узатиши, ток узатиши;* 10) биологияга оид: *зотини яхшилаши, навини янгилаши* кабилар.

Кузатувларимиз асосида БТни қўллаш билан боғлиқ қуйидаги жиддий

камчиликлар мавжудлиги аниқланди: I. Термин ва у англатиши лозим бўлган тушунчанинг ўзаро уйғун бўлмаслиги. Масалан, *техник хизмат қўрсатиш*, *техник назорат* терминларида *техник* лексемаси белги маъносида кўлланган. Бироқ бу лексема аслида шахс тушунчасини англатади. II. БТнинг узунлиги ёки қўллашга ноқулайлиги. Бундай терминларда, биринчидан, нутқ иқтисоди, яъни ихчамлик бузилади, бу эса, ўз навбатида, фикрни илғаб олишда мураккаблик туғдиради. Иккинчидан, термин беҳад узун бўлганда, эллипсиснинг вужудга келиш эҳтимоли кучаяди. Масалан: *чатиштириши натижаларининг турличалиги* (биология), *ер ости бойликларидан фойдаланиши* (юридик), *молекулаларнинг тезликлари бўйича тақсимланиши* (физика) каби. Бизнингча, термин имкон қадар қисқа, ихчам бўлиши керак, акс ҳолда, тушунчанинг ифодаси эмас, балки баёнига айланиб қолади.

Терминларни тартибга солишда терминосистеманинг катта гурухи русча-байналмилал терминлардан иборатлигини эътиборга олиш зарур. Ҳозир амалда қўлланаётган терминларнинг маълум бир қисми ўзбекча (*ишиқаланиши, изланиши*) бўлса, муайян қисми ўзлашма сўзга ясовчи аффикс кўшиш орқали ясалган (*кавшарлаш, қалавалаш, сковиялаш, лойихалаш*) терминлардир. Диссертацияда юридик соҳага оид «Русча-ўзбекча юридик тезаурус»га киритилган ЖАТни тартибга солиш юзасидан хulosалар баён этилган. Мазкур луғатда 3271 та жараён англатувчи содда ва БТ бор. Ўзбек тилининг ички имконияти асосида ҳосил қилинган терминларнинг статистикаси диссертациядаги диаграммада акс этган.

Кўринадики, кундалик ҳаётимизда ЖАТ янада фаоллашмоқда. Айниқса, -(и)иши аффиксли умумистеъмол сўзларининг маъно маҳсуслаштириш орқали ҳосил бўлган ЖАТ бошқаларига қараганда анча фаол. Шунингдек, -лаш аффикси, қилиши ёрдамчи феъли билан ҳосил бўлган терминларнинг салмоғи ҳам юқори.

Хуллас, ЖАТни тартибга солишда ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларини, айни пайтда ўзбек тилининг ифода имкониятларини ҳам назарда тутиш зарур. Бир термин ифодалаган тушунчани ўзбек тилида уч, тўрт, баъзида ўн компонентли бирикма тарзида таржима қилинган ўринларни имкон қадар соддалаштириш, бундай бирикмалар таркибидан термин англатадиган тушунча моҳиятига таъсир этмайдиган сўзларни чиқариб ташлаш кабилар терминларни тартибга солишда муҳимdir.

ХУЛОСА

Диссертацияда ЖАТни ўрганиш асосида қуйидаги хulosаларга келинди:

1. ЖАТ, аввало, ўз қатламга оид асослар орқали шаклланган, аммо ўзлашма қатламга оид жараён терминлари ҳам кўп. Ўз қатлам бирликлари ўзбекча ва ўзлашма асосли бирликларга ажralади. Ўзлашма қатлам терминлари эса: шарқ (араб, форс) тилларидан ўзлашган ҳамда байналмилал терминлар тарзида фарқланади. Жараён англатувчи ўз қатлам

терминлари аффикслар иштирокида ўз ёки ўзлашма сўзлардан термин ясаш ҳамда тилда мавжуд сўзларга янги (терминологик) маъно юклаш (семантик усул) орқали юзага келади.

2. Ўзбек тилида ЖАТни ясашда *-ла*, *-лан*, *-лаши*, *-лантиши*, *-лантиши* аффикслари ва *бўлмоқ*, *қилмоқ*, *этмоқ* кўмакчи феъллари фаол иштирок этади. Уларнинг маълум қисми «асос+ция (-сия)», «асос+ация», «асос+яция» қолиплари асосида шаклланган бўлиб, баъзилари айнан ўзлаштирилган. Бунга сабаб уларнинг асоси ўзбек тилида мустақил маъно англата олмаслигидадир.

3. ЖАТнинг содда ва мураккаб турлари фарқланади. Содда терминлар бир асосдан, мураккаб терминлар эса камида икки асос иборат бўлади ва таркибий узвининг сонига қараб турли гурухларни ташкил қиласди. Мураккаб терминларни икки ва қўп (уч, тўрт, беш, олти) компонентли терминлар сифатида гурухлаш мумкин.

4. ЖАТнинг грамматик хусусияти бошқа терминларнидан маълум даражада фарқли. Уларда семантик муайянлик ва функционал чегараланганлик мавжуд. ЖАТнинг морфологик хусусияти ва синтактик имконияти асосларининг қайси сўз туркумига мансублигига ҳам боғлиқ. Семантик жиҳатдан эса табиий, ижтимоий ва абстракт жараёнларни англатувчи терминларга ажралади.

5. Ўзбек тилида ЖАТнинг маълум қисми моносемантик табиатли ва факат бир соҳага тегишли. Улар, асосан, ўзлашма лексемалар асосида ясалган бўлиб, бир қисми рус тилида ҳам моносемантик бўлган байнамилал терминлардир. Полисемантик терминларнинг маъно миқдори эса ҳар хил бўлиб, ҳосила маъноларнинг ҳаммаси бир маъно асосида юзага келавермайди. Жараён англатувчи полисемантик терминларнинг маъноларидан бири терминологик маъно, қолганлари умумистеъмол маънолари ҳисобланади.

6. ЖАТ ўртасида ҳам синонимия, омонимия ва варианлилик кузатилади. Улардаги синонимия термин қўллаш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. ЖАТ тизимида лугавий ва грамматик омонимия мавжуд. Ихтисослашган маънолардаги терминларнинг асос маъно билан муносабатини таҳлил қилиш уларнинг полисемантик ва омонимик муносабатларига ойдинлик киритади. Вариантлилик бўлса, асосан, аффиксация натижасида вужудга келади.

7. Жараён англатувчи БТни тартибга солиш айни соҳадаги муаммолар ечимида ёрдам беради. Бирикмали жараён терминлари билан боғлиқ муаммолардан бири бирикманинг термин англиши лозим бўлган тушунча моҳиятига ўйғун бўлмаслигидир. Шунингдек, терминнинг шаклан узунлиги нутқнинг ихчамлигига зарар етказади, нутқий эллипсиснинг юзага келиш эҳтимолини кучайтиради.

8. Ўзбек тилида ЖАТни бирдан ортиқ тушунча учун қўллаш, бир тушунчани турли терминлар билан ифода этиш, вариантлилик, ўзлаштирилган терминларнинг тушунча моҳиятини тўғри акс эттира

олмаслиги, терминлардаги кўп компонентлилик, хорижий терминларнинг керагидан ортиқ даражада қўлланиши, айрим терминларнинг ёзилишидаги ҳар хиллик кабилар терминларни тартибга солиш борасида муайян ишларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I part)

1. Нарходжаева Х. Жараёнларни англатувчи терминларнинг ўзбек тилида тутган ўрни. – Тошкент: Фан, 2013. – 118 б.
2. Нарходжаева Х. Жараён номларининг семантик усул билан ясалиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010. – №6. – Б.112-114. (10.00.00. № 14)
3. Нарходжаева Х. Моносемантические и полисемантические слова, выражающие понятие процесса действия // Filologiya məsələləri. – Баку, 2011. – №10. – Б. 235-241. (10.00.00. 2014. № 39)
4. Нарходжаева Х. ЖАТнинг ясалиш хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 6. –Б.101-104. (10.00.00. № 14)
5. Нарходжаева Х. Касб-корга оид ЖАТ // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2014. – № 1/2. – Б. 295-297. (10.00.00. № 15)
6. Нарходжаева Х. ЖАТнинг лексик қатламлари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2014. –№ 1/1. – Б. 205-208. (10.00.00. № 15)
7. Нарходжаева Х. The genetic peculiarities of process mean terms in the uzbek language // Instituti for Foreign Language Studies. BUFS. – Корея, 2013. – Р. 133-140. (01.06.2012. № 4)
8. Нарходжаева Х. Main peculiarities of regulating the process mein compound terms // Filologiya məsələləri. – Баку, 2014. –№ 2. –P.83-88. (10.00.00. 2014. №39)
9. Нарходжаева Х. Ўзбек тили ҳамроҳ моҳиятли терминларини тизимли ўрганиш муаммолари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2015. –№ 1/2. –Б. 265-267. (10.00.00. № 15)
10. Нарходжаева Х. Жараён терминларини тартибга солиш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – №3. – Б. 85-90. (10.00.00. № 14)
11. Нарходжаева Х. Терминлашиш ва термин ясалиши муаммоси // ЎзМУ хабарлари. –Тошкент, 2015. – № 2/2. – Б. 251-253. (10.00.00. № 15)
12. Narxodjaeva X. Thematic Groups of Process Defining Terms in the Uzbek Language// Anglisticum Journal (AJ) Volume 5 / Issue: 5, May 2016. Page 109. (№ 5 GIF 1.006; IC impact factor 6.88)

13. Нарходжаева Х. Жараёнларни англатувчи моносемантик ва полисемантик терминлар // Фан, тараққиёт ва ёшлар. Илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши, 2011. – Б. 283-286.

14. Нарходжаева Х. Омонимические особенности терминов, обозначающих процесс// Генерация новых идей для научной работы. Часть - 1. XXVIII Международная научно-практическая конференция. – Украина: Горловка. – 13-14 декабря 2012 года. – С.64-67.

15. Нарходжаева X. The derivative peculiarities of the terms which mean the current events // Zbior raportow naukowych Teoretyczne I praktyczne innowacje naukowe. – Krakow, 2013. – С. 85-87.

16. Нарходжаева X. Термин ясаш ва терминлашиш муаммоси // Изланиш самаралари. Республика ёш олимлари илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2016. – Б. 86-89.

II бўлим (II часть; II part)

17. Нарходжаева X. Ўзбек тилидаги ЖАТ сино- нимияси // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Тошкент, 2011. – №1. – Б.125-126. (10.00.00. 2010. № 9)

18. Нарходжаева X. Жараёнларни англатувчи терминларнинг гапдаги вазифалари // Мустақиллик йилларида илм-фан тараққиёти, «Ёш олимлар мухим фундаментал натижалари, амалий ютуқлари ва инновациялари» Республика ёш олимлари илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 214-216.

19. Нарходжаева X. Жараёнларни англатувчи терминларнинг қўлланиши ва структураси // Фан, тараққиёт ва ёшлар. Илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши, 2012. – Б. 164-167.

20. Нарходжаева X. Ўзбек тилининг ривожида ЖАТнинг ўрни // «Илм-фан ва инновация» илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши, 2013. – Б. 180-182.

21. Нарходжаева X. Жараёнларни ифодаловчи ўзлашма терминларнинг баъзи хусусиятлари // «Илм-фан ва инновация» илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши, 2014. – Б. 143-146.

22. Нарходжаева X. Интеллектуал авлоднинг шаклланишида терминларнинг ўрни // XXI аср интеллектуал авлод асри. Сурхондарё-Қашқадарё худудий илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши, 2014. – Б. 322.

23. Нарходжаева X. Ахборот коммуникация технология терминосистемасининг шаклланиши ва ЖАТ // Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Қарши, 2014. – Б. 131-134.

24. Нарходжаева X. Интеллектуал авлоднинг шаклланишида атамаларнинг ўрни // XXI аср интеллектуал авлод асри. – Бухоро, 2014. – Б. 42-45.

25. Нарходжаева Х. ЖАТда вариация ҳодисаси // Актуальный научный исследования в современном мире (Материалы VI Международной научно-практической интернет-конференции. 26-27 октября 2015 г. – Б.111.

26. Нарходжаева Х. Композиция усули билан ясалған ЖАТни тартибға солиш // ҚарДУ хабарлари. – Қарши, 2016. № 1 (27). – Б. 124-130.